
Ҳунармандлар маркази

Бешариқ тумани маркази- Бешариқ шаҳрининг Олтин водий кўчаси кўркига кўрк “Ҳунармандлар маркази” фойдаланишга топширилди Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг вилоятимизга ташрифи чоғида шаҳар ва туманларда ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида “Ҳунармандлар маркази” қуриш ҳақида топшириқ берган эди. Унинг амалдаги ижроси сифатида янги мажмуа 5 миллиард сўмга бунёд этилди. Марказда ҳунармандчилик сирларини ўрганиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ёшлар миллий ҳунармандчиликни устоз мураббийлардан ўрганиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйдилар. Ҳунармандлар марказининг очилиши маросимида вилоят ҳоқими ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бошқармаси бошлиғи Боходир Холиқов, туман ҳоқими Расулжон Жўраевлар иштирок этишди. Ҳунармандларга омадлар тилаб, миллий анъаналаримиз бардавом бўлишига ишонч билдирдилар. Тадбирда ҳозир бўлганлар марказдаги кўргазмалар ҳамда ёш ҳунармандлар фаолияти билан танишдилар.

2021-09-11 16:24:09